# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 5 октябрь, № 216 (8278) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия томонининг таклифига биноан 3-4 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



4 октябрь куни Будапешт шаҳрида Венгрия Парламентининг биноси рўпарасидаги Лайош Кошут номидаги майдонда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига пиёда ва отлиқ аскарлардан иборат фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Президенти Каталин Новак расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Маросим якунида фахрий қоровул тантанали саф тортиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Венгрияга расмий ташрифи доирасида Будапешт шаҳрининг Қаҳрамонлар майдонидаги Хотира устуни пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Венгрия давлатчилигини барпо этишга ҳисса қўшган буюк арбоблар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ушбу маскан Будапештнинг бош майдонларидан бири бўлиб, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Майдон марказида Минг йиллик устуни қад ростлаган, унинг пойида можар қабилаларининг 7 нафар бошлиғининг ҳайкали ўрнатилган. Ушбу ёдгорлик венгерларнинг бугунги ватанини топиши ва Венгрия қироллигига асос солинишига бағишланган.

Мажмуада венгер халқининг атоқли намояндалари ҳайкалларидан иборат 2 та колоннада жойлашган. Ёдгорликнинг олд томонида Венгрия қаҳрамонлари шарафига хотира тоштахтаси ўрнатилган.

Будапешт шаҳридаги Шандор саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Фахрий меҳмонлар китобида қайд қолдирди, етакчилар биргаликда суратга тушишди.

Президентлар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Халқларимизнинг азалий тарихий алоқалари муштарак қадриятлар ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Арминий Вамбери ва Исҳоқ Иброҳим каби шарқшунос олимлар тарихий ришталаримиз ва бой маданий меросимизни ўрганишга катта ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, сиёсий мулоқот чуқурлашиб, ўзаро кўмак давом эттирилаётгани, парламентлараро ва жамоатчилик алоқалари кенгайиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми қарийб уч баробар ошгани қайд этилди.

Бу борадаги ишларни фаоллаштиришда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссияси ва 3 октябрь куни Будапештда иккинчи йиғилишини ўтказган Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгаши муҳим ўрин тутмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Европа Иттифоқининг «GSP+» преференциялар тизимига қўшилгани ўзаро савдони салмоқли даражада кўпайтириш ва диверсификация қилиш учун янги имкониятлар очишини таъкидладилар.

Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини ривожлантиришда маданий-гуманитар соҳа алоҳида ўринга эга. Венгрия ҳукумати «Хунгарикум» дастури доирасида ўзбекистонлик талаба ва докторантлар учун ҳар йили ажратиладиган квотани 170 тагача ошириш тўғрисидаги қарорни қабул қилгани айтилди.

Ўзбекистон ва Венгрия олий таълим муассасалари ректорларининг иккинчи форумини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқотни ва ўзаро кўмакни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Венгрия Президентини ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга боришни таклиф этди.




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Будапешт шаҳрида Венгриянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Венгрия иқтисодий ривожланиш вазири Мартон Надь, Савдо-саноат палатаси раиси Ласло Парраг, «OTP Bank» раиси Шандор Чаньи, шунингдек, «Gedeon Richter», «Bonafarm», «Wizz Air», «Raba Holding», «Meditop», «Master Good», «Kite» каби йигирмага яқин энг йирик компания ва корпорациялар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон етакчисининг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказиши анъанага айланган. Бундай тадбирлар бевосита алоқаларни йўлга қўйиш, мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий йўналишдаги муваффақиятларини илгари суриш, чет эл сармоядорларини ўзаро манфаатли лойиҳаларга жалб этишга хизмат қилади.

Венгрия — Европанинг энг тез иқтисодий жиҳатдан ўсиб бораётган мамлакатларидан бири, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, молия ва ахборот технологиялари соҳаларида улкан салоҳиятга эга давлат.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Қўшма корхоналар ва инвестициялар ҳажми ошмоқда.

Учрашувда фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электроника ва электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм тармоқлари ва автомобилсозлик каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини тубдан такомиллаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий натижаларини санаб ўтди: валюта бозори ва фойдани репатриация қилиш эркинлаштирилди, давлат активлари ва банкларни, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди, солиқ тизими ислоҳ қилинди.

— Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, юртимизда хорижий бизнес фаолиятини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш мақсад қилинган. Энг муҳими, хорижий бизнес вакиллари янгиланишларимизга ишонди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма фонд ташкил этилиши ва у тез фурсатда иш бошлаши айтилди.

Фақат Венгрия компаниялари учун мўлжалланган алоҳида саноат зонасини яратиш ва уни барча зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, бўлажак қўшма лойиҳалар ҳамда уларнинг доирасида венгриялик шерикларнинг илмий ишланмалари, конструкторлик инновациялари ва технологиялари ўзлаштирилиши катта синергетик самара беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия делегациясининг ҳар бир аъзоси билан алоҳида мулоқот қилди. Аниқ қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳақида батафсил фикр алмашилди. Ўзбекистон томони Венгрия ишбилармонларига уларнинг инвестиция режаларини рўёбга чиқаришда тўлиқ кўмаклашишга тайёрлиги қайд этилди.

— Ҳар бир тадбиркорни мамлакатимизга келиб, бугунги кунда инвестициялар учун энг яхши жой Ўзбекистон эканлигига шахсан ишонч ҳосил қилишга таклиф этаман, — деди Президентимиз.

Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берди ҳамда мамлакатимиз бозорига чиқиш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирдилар.

Куни кеча ўтган Ўзбекистон — Венгрия бизнес форумида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзолангани ҳам томонлар ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигининг навбатдаги яққол тасдиғи бўлди.

Учрашув якунида илгари сурилган барча лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ муддатлар ва масъул ижрочилар кўрсатилган комплекс «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон вазирлик ва идораларига венгриялик ҳамкорларнинг юртимизда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида ҳар томонлама кўмаклашиш топширилди.

Будапештдаги «Кармелита» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан тор доирада икки томонлама музокара ўтказдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти дўст Венгрия етакчисига ташриф давомида кўрсатилган самимий қабул ва илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Виктор Орбаннинг 2021 йил мартда юртимизга расмий ташрифи якунида эришилган келишувлар Ўзбекистон — Венгрия муносабатларида янги саҳифа очгани ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Турли даражалардаги мулоқотлар фаоллашди, самарали сиёсий ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Музокараларда қўшма инвестиция лойиҳаларини саноат кооперацияси орқали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдириб туриши, ривожланиш стратегиялари диверсификация ва индустриаллашувга қаратилгани билан бир-бирига ўхшашлиги қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ошгани, уни янада кўпайтириш учун барча имкониятлар ва омиллар мавжудлиги таъкидланди. Ўзбекистон Евроиттифоқнинг «GSP+» аъзоси мақомига эга экани ҳам бунга хизмат қилади.

Томонлар ўзаро имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма қувватлар яратиш ва шу орқали МДҲ, Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишга интилади.

Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, машинасозлик, инновациялар, рақамлаштириш, транспорт ҳамда илмий тадқиқотлар ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Халқаро тузилмалар, шу жумладан, БМТ, ЕХҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтилди.

Венгрия Бош вазири жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқандда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Етакчилар Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари 2021 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани чинакам тарихий воқеа бўлгани ҳамда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ривожига тўлиқ ҳамоҳанглигини таъкидладилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 баробар кўпайганини қайд этди. Томонлар келажакда товар айирбошлашни 500 миллион долларга етказиш режасини рўёбга чиқаришга келишиб олдилар.

Виктор Орбан Венгрия Ўзбекистонни ўзининг муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори деб ҳисоблашини таъкидлади. Ушбу ташрифнинг бой дастури ҳам ўзаро мулоқотни ҳар томонлама ривожлантиришга интилиш қатъийлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги, транспорт, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, сувни тежаш ва саноат соҳаларидаги кооперацияга янги кучли суръат бағишлаш юзасидан келишувга эришилди.

Шу мақсадда ҳукуматларга устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун тез фурсатда қўшма фонд тузиш топширилди.

Шу билан бир қаторда, бизнес форуми ва кўргазмалар мунтазам ўтказиб борилади, имкониятлар максимал даражада ишга солинади, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барча йўналишлари қамраб олинади.

Томонлар яқинда ўтказилган бизнес форумининг муваффақиятли якунлари, яъни қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган инвестиция ва савдо битимлари имзолангани самарали ҳамкорликнинг аниқ амалий натижаси бўлганини мамнуният билан қайд этдилар.

Эришилган келишувларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Будапештда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасини очиш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Венгрия етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Будапешт шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот имзоладилар.

Ҳужжатда музокаралар дўстона, очиқ ва конструктив руҳда ўтгани қайд этилган, ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган, дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлгани таъкидланган.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 15 та ҳужжат имзоланди. Булар:

— 2023-2024 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма дастур;

— Фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳаракатлар режаси;

— Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фанни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Шунингдек, божхона, адлия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги, узумчилик, инвестиция соҳаларида, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви академияси ва Венгрия Давлат хизмати университети, Самарқанд вилояти ва Хайду-Бихар округи, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази ҳамда Ташқи ишлар ва савдо институти, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 3-4 октябрь кунлари Венгрияга расмий ташрифи мазкур тарихий воқеа доирасида имзоланган ҳужжатлар ҳамда эришилган келишувларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нуқтаи назаридан жуда самарали бўлди.*

*Хусусан, хорижий экспертлар, сиёсий таҳлил доиралари вакиллари давлатимиз раҳбарининг Венгрияга амалга оширган ташрифини икки томонлама муносабатларда муҳим босқич бўлишини ҳамда икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беришини таъкидламоқда.*

## Дунё нигоҳи

**Хосе Вентура БАЛЛЕСТЕР,**
**Стратегик ва халқаро тадқиқотлар жамғармаси (FESEI) бўлим бошлиғи (Испания):**



— Ушбу ташриф якунлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни амалий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Европа Иттифоқи(ЕИ)га аъзо бўлган мамлакат — Венгрия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда алоҳида жадаллик касб этган олий даражадаги сиёсий мулоқот туфайли изчил ривожланиб бормоқда.

Давлат раҳбарларининг 2019 йилда Тошкентда бўлиб ўтган музокаралари ҳақиқатан ҳам Шарқ ва Ғарб ўртасидаги самарали ёндашувнинг ёрқин намунасига айланди ва давлатлараро тўлиқ форматдаги мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Энг муҳими, Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Венгрия ЕИнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни энг юқори даражага олиб чиққан биринчи давлатидир.

Ўзбекистон раҳбарининг ҳамкорликни йўлга қўйишдаги концептуал ва прагматик ёндашувини инобатга олган ҳолда, икки давлат раҳбарларининг музокараларида асосий урғу савдо-иқтисодий шерикликка қаратилди.

Бугунги кунда Венгрия Ўзбекистоннинг ЕИдаги муҳим ҳамкорларидан биридир. Ўзаро саъй-ҳаракатлар ва амалий ҳамжиҳатлик туфайли бу ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги бир неча йил ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди ва бу ижобий тамойил йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Умуман олганда, ҳар икки давлат ҳам доимо умумий манфаатларга эга бўлган соҳаларда ўзаро фойдали шерикликни изчил кенгайтиришга интилаётгани эътиборга сазовор, деб ҳисоблайман.

**Ҳолид Таймур АКРОМ,**
**«Умумий келажак жамияти» таҳлил марказининг ижрочи директори:**



— Ўзбекистон Президентининг Венгрияга расмий ташрифи минтақавий ўзаро боғлиқликнинг энг муҳим даврига тўғри келди. Венгрия Марказий Европада катта салоҳиятга эга давлат ҳисобланган ҳолда, кўплаб минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг фаол аъзоси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Венгриянинг Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлиги биргаликдаги тараққиётга янги суръат бағишлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Будапештга ташрифи давомида Венгрия Президенти Каталин Новак ва Бош вазир Виктор Орбан билан музокаралар ўтказди.

Турли соҳаларда стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар қўшма лойиҳалар, иқтисодиёт, савдо-саноат кооперациясини кенгайтириш йўналишларида янада кенг кўламда шериклик қилиш масалаларини муҳокама этди.

Қўшма баёнот ва қатор битимлар имзоланди. Ўйлайманки, ушбу ташриф якунлари минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш нуқтаи назаридан икки давлат учун жуда фойдали бўлади. Ҳар икки давлат етакчилари доно сиёсати ва муваффақиятли давлат бошқаруви билан жаҳонда ном қозонган.

Мухтасар айтганда, ушбу ташриф кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишига аминман.

**О Ин КЁНГ,**
**Евроосиё туркшунослик институти директори, профессор (Жанубий Корея):**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич ҳисобланади. Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа марказида жойлашган ушбу мамлакат билан барча жабҳадаги муносабатлари жадал суръатларда ривожланиб бораётгани натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошланди.

Хусусан, ўтган йили Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи амалга оширилган эди. Ўшанда томонлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаб, ўзаро сиёсий ҳамкорликни юқори даражага кўтарган эди.

Икки мамлакат етакчиларининг навбатдаги учрашуви ва унда эришилган келишувлар эса муносабатларни янада мустаҳкамлади. Музокараларда турли йўналишлар, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо кўламини кенгайтириш, фармацевтика, агросаноат мажмуи, машинасозлик, сувни тежаш ва бошқа йўналишларда саноат кооперациясини чуқурлаштиришга қаратилган қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар икки мамлакат бозорларига маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш, саноат кооперациясини кучайтириш, олий таълим, спорт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, картошкачилик ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олди.

Музокаралар якунида имзоланган Қўшма баёнот ва икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами истиқболда Ўзбекистон — Венгрия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиради.

Ташрифнинг яна бир жиҳатига алоҳида тўхталишни истар эдим. Ўзбекистон Президенти қайси давлатга ташриф билан бормасин, албатта, ўша мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашувга алоҳида вақт ажратади. Венгрияда ҳам ушбу анъана давом эттирилди. Ўзбекистон Президенти Венгриянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, венгер компанияларини янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда янада яқиндан ҳамкорлик қилишга даъват этди.

Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда фаол тадбиркорлик учун яратилган шароитни юксак баҳолади ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантиришга катта қизиқиш билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Марказий Осиёда, Венгрия эса Марказий Европада стратегик муҳим ўринга эга бўлган давлатлар саналади. Ўзбек ва венгер халқлари ўзларининг бой тарихи, ноёб маънавий-маданий мероси, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлари билан фахрланади.

Шу маънода айтиш мумкинки, салкам 10 миллион аҳолига эга, иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланаётган Венгрия Ўзбекистоннинг Марказий Европадаги энг муҳим шерикларидан биридир. Қолаверса, икки мамлакат Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистон раҳбарининг Венгрияга амалга оширган расмий ташрифи натижаларга бой бўлди. Икки мамлакат етакчилари ўртасидаги конструктив мулоқотнинг давом этилиши давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

**Шобир Аҳмад ХОН,**
**Пешовар университети қошидаги Минтақавий тадқиқотлар марказининг директори (Покистон):**



— Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги стратегик шериги ҳисобланади. 2017 йилдан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кескин ўсди.

Венгриянинг Дебрецен университети Тошкентда ўз кампусини очди. Ўзбекистонлик талабаларнинг Венгрия университетларида ўқиши учун 170 дан ортиқ грантлар ажратилди. Тошкент вилоятида икки давлат биргаликда Ўзбекистон — Венгрия картошкачилик тадқиқот марказини ташкил этди.

2021 йилда Венгрия Бош вазири пандемия шароитига қарамасдан Ўзбекистонга ташриф буюрди. 2021 йил февраль ойида Будапештда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди, сўнгра, яъни 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси ўтказилди.

Ўзбекистон — Венгрия олий даражадаги саммити чоғида икки давлат ўртасида турли соҳаларда, жумладан, машинасозлик, савдо, инвестиция, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, молия, маданият, туризм ва гуманитар соҳаларда кенг қамровли икки томонлама ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Стратегик шериклик истиқболлари бўйича музокаралар олиб борилди. Шунингдек, глобал ва минтақавий сиёсат масалалари, жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Самарқанд ва Жиззах вилоятларида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани модернизация қилиш бўйича Венгрия тажрибасини жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи меваларни сақлаш, озиқ-овқат саноати, балиқчилик, уруғчилик каби соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фан соҳаларида алмашувларни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ўзининг ташқи иқтисодий алоқаларини муваффақият билан ривожлантирмоқда, давлат раҳбарининг Венгрияга ушбу расмий ташрифи бу борада ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлди.

**«Дунё» АА.**

## Олий Мажлис Сенатида



# ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг глобал алоқалар бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элизабет Кеннеди Трюдони қабул қилди.*

Учрашув чоғида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда "Ўзбекистон бўйича Кокус" (дўстлик гуруҳи)нинг ўрни салмоқли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, мулоқотда сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, аёллар тадбиркорлиги ҳамда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

Хусусан, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон парламенти ва ҳукумати томонидан кўрилаётган чоралар, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий алоқаларни изчил ривожлантириш, икки давлат ҳукуматлари ўртасидаги мунтазам сиёсий алоқаларни фаоллаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш, алоҳида тармоқлар раҳбарларининг ўзаро ташрифларини амалга ошириш зарурлиги ҳам қайд этилди. Негаки, бундай ёндашув барча соҳада икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

# НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

*Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлисини 2022 йил 7 октябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ялпи мажлисни видеоконференц-алоқа шаклида ўтказиш режалаштирилган.*

Қайд этилганидек, навбатдаги ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилади. "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонунларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари кенг муҳокама қилинади.

Ўз навбатида, Фарғона вилояти ҳокимининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади.

Қолаверса, ишлаб чиқариш соҳаларида маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси ҳамда Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ва замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган иккита парламент сўрови натижалари ҳам кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш ҳам назарда тутилмоқда.

# МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси йиғилишида парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кутилаётган бир қатор масалалар дастлабки тарзда чуқур таҳлилдан ўтказилди.*

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун билан амалдаги қатор қонун ҳужжатларига, хусусан, "Гаров тўғрисида"ги Қонун ва Фуқаролик кодексига мулкий ҳуқуқларни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартишлар киритилмоқда.

Ўзгартишлардан бири сифатида агар гаровга қўювчининг гаров мол-мулки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилса, унинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларда ва тартибда бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилиши ёки тегишли товон пули тўланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинаётганлиги инобатга олиниб, Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларидаги "қонун ҳужжатлари" деган жумлалар "қонун" деган сўз билан алмаштирилмоқда.

Қонун ҳаётга татбиқ этилиши натижасида амалдаги қонунларда назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин қилинишининг олдини олишга ҳамда мулкка бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ва мулкка доир муносабатларни фақат қонун доирасида тартибга солишга эришилади.

Шу билан бирга, мулкдорлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси ва хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР, ДЎСТОНА РИШТАЛАР

*Шу йилнинг 3-4 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Венгрияда бўлди.*

*Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, яқин ҳамкорлик ришталари бирлаштириб келади. Бугунги кунда эса Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижаси ўлароқ бу шериклик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.*

## Мушоҳада



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг 2019 йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида Туркий давлатлар саммити доирасидаги самарали учрашуви икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Ўтган йилнинг 29-30 март кунлари Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг мамлакатимизга ташрифи икки давлат ўртасида мавжуд алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда аввал эришилган келишувлар ижросини таъминлаш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта туртки берди. Тошкентда икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари давлатлараро мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Шу тариқа Венгрия Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни сиёсий жиҳатдан энг юқори даражага олиб чиққан биринчи мамлакати бўлди.

Ўзбекистон ва Венгрия БМТ, ЕХҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро институтлар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатларимизнинг глобал кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича нуқтаи назарлари яқин ёки бир-бирига мос келади, томонлар халқаро ташаббусларни илгари суришда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда савдо-иқтисодий муносабатлар, сармоялар олиб кириш устунлик қилмоқда. Замонавий қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва туризм соҳасидаги алоқалар кенгайиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Венгрия етакчи компанияларининг илғор тажрибаси ва замонавий технологияларини жорий этган ҳолда қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ҳамда уларни молиялаштиришга алоҳида эътибор кучайиб бормоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда қулай савдо режими ўрнатилган. Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон — Венгрия савдо айланмаси ҳажми қарийб 3 бараварга ошди.

Таъкидлаш жоизки, Венгриянинг фармацевтика компаниялари орқали Ўзбекистонга Европанинг сифатли дори-дармон ва тиббиёт жиҳозларини ишлаб чиқариш саноати кириб келди ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш учун катта имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда бугунги кунда Венгрия сармоядорлари иштирокида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасида, меҳмонхона хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, улгуржи савдо йўналишларида 10 та корхона фаолият юритмоқда.

Маданий гуманитар соҳадаги ришталар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бинобарин, таълим, илм-фан, маданият, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ўзбек ва венгер халқларининг муштарак қадриятларидир. Венгриялик санъаткорлар ва илм-фан намояндалари юртимизда ўтаётган "Шарқ тароналари", Халқаро бахшичилик санъати, Халқаро ҳунармандчилик фестиваллари ҳамда улар доирасида ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Олимларимиз эса икки давлат тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

Таълим соҳаси Ўзбекистон — Венгрия алоқаларининг истиқболли йўналиши сифатида кенгаймоқда. 2018 йилдан бери Венгрия ҳар йили Ўзбекистон фуқароларига ушбу мамлакатдаги университетларда ўқиш учун стипендиялар тақдим этмоқда. Университетлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик "Erasmus" лойиҳалари доирасида амалга оширилмоқда.

Албатта, икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида тарихий маданий омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Жумладан, венгриялик олим Вамберининг Марказий Осиёга саёҳати асосида яратилган "Бухоро тарихи ёки Трансоксания қадим замонлардан то ҳозирги кунгача" ва "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" асарлари бугунги кунда ҳам Европада, хусусан, Венгрияда Марказий Осиё давлатлари тарихи, геосиёсий аҳамияти, маданий, тарихий, иқтисодий жараёнларга таъсир этган омилларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу асарларда Марказий Осиё халқларининг яшаш тарзи, давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослиги, одамларнинг юксак маданияти, тарбия ва таълим тизими бевосита кузатувлар ҳамда таҳлил асосида очиб берилгани уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Бухородаги вилоят ўлкашунослик музейида XIX асрнинг машҳур венгер шарқшунос олими ва сайёҳи Арминий Вамбери шарафига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Вамбери 1863 йилда Ўрта Осиёга сафар қилиб Хива хонлиги, Бухоро амирлигида бўлган, Самарқандни зиёрат қилган.

Юртимиз шаҳарлари ва қишлоқлари, шунингдек, чет ўлкаларга сафарларида Вамберига ҳамроҳлик қилган, 1836 йилда Қорақалпоғистонда туғилган Исҳоқ Иброҳим бир умр унинг дўсти ҳамда шогирди бўлиб қолди. У шарқшунос олим Вамбери билан Хива шаҳрида XIX асрнинг 60-йилларида танишади ва Венгрияга боради. Салкам ўттиз йил Будапештда яшаб, илмий фаолият билан шуғулланади. Венгрия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлайди, венгрияликларга ўзбек ҳамда бошқа турк тилларини ўқитади. Европанинг илмий доираларида катта обрў-эътиборга эга бўлади.

Исҳоқ Иброҳим ўзбек халқ мақоллари, эртак ва топишмоқларини венгер тилига таржима қилиб, Венгрия Фанлар академиясининг филология бўлими томонидан нашр этиладиган "Тилшунослик ахбороти"да эълон қилади. У машҳур венгер ёзувчиси Янош Аронинг "Ажойиб оҳунинг ҳикояти" асарини ўзбек тилига ўгиради. Ушбу асар яқинда давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан Тошкентда нашр этилди. Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги тарихий дўстликнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу китобни Венгрия Бош вазири Виктор Орбанга совға қилди.

Шарқшунос олим, ёзувчи ҳамда таржимон Вамбери ўз эсдаликларида Исҳоқ Иброҳим ҳақида фикр билдирар экан, "У жуда тўғри ва камсуқум инсон эди. Унинг ғаразсиз ва софдил муносабати менга хавфли ва азобли сафаримда куч-қувват бағишлади", деб ёзган эди. Бу билан у нафақат хоразмлик дўстига, балки бутун ўзбек халқига ҳурмат-эҳтироми ҳамда меҳр-муҳаббатини ифодалайди.

Шу йилнинг май ойида мамлакатимизнинг Австриядаги элчихонаси ташаббуси билан Венгрияда яшаб ижод қилган ўзбек олими Мулла Исҳоқ Иброҳим (1836 — 1892) таваллудининг 186 йиллиги муносабати билан ватандошимиз дафн этилган Фейер вилоятининг Веленце шаҳарчасидаги қабристонда маросим ўтказилгани ҳам эътиборга молик воқелик бўлди.

Бугунги кунда томонлар қишлоқ хўжалиги, сувни тежайдиган технологиялар, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, электроника, автомобилсозлик, тўқимачилик, кимё ва металлургия, илм-фан, инновация ва таълим каби соҳаларда, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Демак, икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, икки мамлакатнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатлари, Венгриянинг Марказий Европада, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда жойлашганлиги, шунингдек, Венгрия Европа давлатлари учун Ўзбекистонга, ўз навбатида, Ўзбекистон Венгрия учун Марказий Осиё мамлакатлари бозорига кўприк вазифасини бажариш истиқболлари ҳамкорликни янги ютуқлар билан тўлдиришни кафолатлайди.

Президентимизнинг Венгрияга расмий ташрифи икки томонлама самарали мулоқотларга бой бўлди. Будапешт шаҳридаги Шандор саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Қайд этилганидек, икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда, сиёсий мулоқот чуқурлашиб, ўзаро кўмак давом эттирилмоқда, парламентлараро ва жамоатчилик алоқалари кенгайиб бормоқда. Шунингдек, Президентимиз Венгриянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Будапештда Ўзбекистон — Венгрия бизнес форуми уюштирилиб, унинг доирасида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзоланди. Ушбу ташрифнинг кенг қамровлилигидан кўриниб турибдики, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар мазмун жиҳатидан янги босқичга чиқади.

**Собитхон ТУРҒУНОВ,**
**Наманган давлат университети ректори,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

# ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

*Маълумотларга кўра, 2025 йилга бориб жаҳон электротехника саноати ҳажми 1,67 триллион АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.*

## Фикр

2019 йилда давлат умумий экспортида электротехника маҳсулотининг улуши энг катта бўлган маъмурий ҳудуд сирасига Жануби-Шарқий Осиёдаги Гонконг (56,2 фоиз), Филиппин (50,5 фоиз), Вьетнам (36,7 фоиз) ва бошқа бир қатор давлатлар кирган бўлса, бугун бу тенденция ҳам ўзгариб бормоқда.

Яқинда давлатимиз раҳбари бошчилигида электротехника саноатидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда мақсадли кўрсаткичлар таҳлил этилиб, тармоқни янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, бугунги кунда 1 миллиард 200 миллион долларлик 205 та лойиҳа амалга оширилаётганлиги, янги маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш 2023 йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш имконини бериши таъкидланди.

Бунда энг аввало, янги маҳаллий брендлар яратиш ва хорижий брендларни олиб келиш, маҳсулотларни шунга мувофиқ сифатли ишлаб чиқариш, харидорлар ишончини қозониш зарурлиги таъкидланди. Мамлакатимизда ва атрофимиздаги бозорларда яримўтказгич ҳамда электрон платаларга талаб 6 миллиард долларни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, бундай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни кўпайтириш, электроника ва микроэлектроника йўналишида илмий, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш вазифалари белгиланди.

Бугунги глобаллашув ва интеграция шароитида географик ва номенклатура диверсификацияси ҳисобига тармоқ ўсишининг янги нуқталарини фаол излаш керак бўлади. Жумладан, хизмат кўрсатиш марказларини яратиш, фаол маркетинг, реклама кампанияларини ўтказиш ва истеъмолчилар истакларини ўрганиш ҳисобига ташқи бозордаги позицияни мустаҳкамлаш зарур.

Шу боис йиғилишда маиший техникаларга хизмат кўрсатиш талаби юқори бўлиб бораётганлигини ҳисобга олиб, касб-ҳунар мактабларида ёшларни бу йўналишда ўқитиш, электротехника тармоғининг асосий хомашёларидан бири бўлган мис ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда электротехника саноатининг жадал ривожланиши, иқтисодиётнинг янада мустаҳкамланиши, янгидан-янги бозорларни ўзлаштириш ҳамда энг муҳим кўрсаткич — замон талабига мос бўлган иш ўринларини яратишда муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида Бухоро вилоятида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.*

Қўмитанинг вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи шу йилнинг 21 — 23 сентябрь кунлари Бухоро вилоятида бўлиб, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг амалдаги татбиқи ҳолатини ўрганиб чиқди.

Қайд этилганидек, стратегия Президентнинг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган бўлиб, у асосида 2020 — 2022 йилларда ҳудудларни ва тармоқларни трансформация қилиш дастурлари ҳамда рақамли трансформация лойиҳаларини кўзда тутувчи 29 та намунавий туманлар (шаҳарлар) “йўл хариталари” қабул қилинган эди.

Ўрганиш натижасига кўра, вилоятдаги давлат тиббиёт муассасаларидан 252 таси оптик толали алоқа линиялари орқали интернет тармоғидан фойдаланиб келмоқда. Вобкент, Ғиждувон ва Қоракўл туманлари ҳамда Коган шаҳрининг тиббиёт муассасаларида зарур техник мосламалар харид қилиниши ва жойлаштирилиши таъминланган.

Шунингдек, ҳудудий бошқармалар, шаҳар ва туман бўлинмаларида “Муассасалар паспорти” ахборот тизими жорий қилинган бўлиб, унда 2 минг 948 та тиббиёт муассасаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Шу каби йирик қамровга мўлжалланган “Электрон поликлиника” ахборот тизими ишга туширилган. Лекин режалаштирилган 2 186 та тиббиёт муассасасидан 1 188 тасига ушбу тизим ўрнатилган.

Ўз ўрнида мажлисда стратегиядаги айрим вазифалар ижроси суст олиб борилаётганлиги танқид қилинди. Хусусан, ишга туширилиши лозим бўлган “Ягона электрон тиббий карта”, “Ягона тез тиббий ёрдам” ва “Электрон рецепт” ахборот тизимлари йўлга қўйилмаган.

Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизимида ходимларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқитиш, билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида тегишли сертификатларга эга ходимлар улушини кўпайтириш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Мажлисда юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Якунда Сенат қўмитаси тегишли қарори қабул қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига зарур кўрсатмалар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## Ишчи гуруҳларда

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.*

# АДЛИЯ ОРГАНЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛЯПТИ?

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси шу йил 27 сентябрь куни Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган.

Ушбу ҳужжат билан 15 та қонун, 3 та кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ва муҳофаза ҳужжатларини бериш бўйича талабномаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишга бериш борасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли муҳофаза ҳужжатларининг амал қилишини узайтиришга доир давлат хизматларини кўрсатиш тартиби соддалаштирилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш киритилиб, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни қўллаш ваколати адлия органларига берилмоқда.

Депутатлар таъкидлаганидек, қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёнларида ортиқча қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш муддати ўн кундан бир кунга қисқармоқда. Яъни объект муайян давлат реестрларида рўйхатга олинган сананинг ўзида тегишли гувоҳнома электрон шаклда QR-код билан тасдиқлаган ҳолда берилиши белгиланяпти.

Савол-жавоб ва таклифларга бой бўлган ишчи гуруҳ йиғилишида интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима қўллаш, давлат хизматларидан фойдаланишда чегирма беришга қаратилган нормалар обдан муҳокама қилиниб, такомиллаштирилди.

— Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришга кенг йўл очади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Жабборов.

Қўмитада қонун лойиҳасини маромига етказиш ишлари давом этмоқда.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига волонтёрлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.*

# ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАР КЎЛАМИ

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлар, олимлар, эксперт ва мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилиб, маромига етказилмоқда.

Қонун лойиҳаси Ёшлар ишлари агентлигини волонтёрлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгилашни ва унинг ваколатларини ифодалашни назарда тутади. Шунингдек, давлат бошқаруви органларининг волонтёрлик фаолияти йўналишидаги ваколатлари белгиланмоқда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам бу борадаги ваколатлари такомиллаштирилмоқда.

Ишчи гуруҳ йиғилишида лойиҳадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришга қаратилган норма атрофлича муҳокама қилиниб, уни маромига етказиш бўйича тегишли таклифлар берилди.

— Қизғин муҳокамалар жараёнида лойиҳадаги ҳар бир модда депутатлар берган таклифлар асосида такомиллаштирилиб, пишиқ-пухта ҳолатга келтириляпти, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Юсупов. — Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши волонтёрлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар кўламини кенгайтиришга асос яратади.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Реклама

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 21 октябрида жиззахликлар билан сайловолди учрашувида ҳудуд саноатини “Жиззахда ишлаб чиқаринг” ғояси асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига саноат дастури сифатида киритилган ушбу ғоя бугунги кунда ҳудудда қатор янги ишлаб чиқаришларнинг йўлга қўйилишига муҳим омил бўлмоқда.*

*Бу жараёнда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, молия муассасаси томонидан вилоятдаги йирик саноат лойиҳалари молиялаштирилмоқда. Фориш туманидаги базальт толасидан геосеткалар ишлаб чиқариш лойиҳаси — “Geobasalt products” масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири.*



## Жараён

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Жиззах вилоятига уюштирилган пресс-турда журналистлар банкнинг молиявий кўмагида ишга туширилган корхона фаолияти ҳамда мазкур ҳудудда муассаса мижозларига яратилган қулайликлар билан таништирилди.

— Бугунги кунда Япония, Хитой, Туркия каби Шарқ мамлакатлари шаҳарсозлигида кенг қўлланиладиган базальт толасидан ишлаб чиқарилувчи геосеткалар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда қурилиш материаллари бозори учун инновацион характерга эга маҳсулот ҳисобланади, — дейди “Geobasalt products” МЧЖ бош технологи Аҳмаджон Юсуфжонов. — Бизни янги маҳсулот яратишга ундаган асосий сабаб, бу — республика миқёсида базальт хомашёсининг 65 фоизи айнан Жиззах ҳудудида мавжудлиги ҳамда мазкур қурилиш материали юқори қўшилган қийматли маҳсулот турига киришидир.

Корхонанинг ишга туширилишида 17,8 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилди. Банк томонидан Буюк Британия технологик ускуналарини олиб келиб ўрнатишга молиявий кўмаклашилди. Ҳозирги кунда у ерда базальт тошидан бир кунда 10 тонна базальт толаси ажратиб олиниб, йилига 5 миллион метр квадрат ҳажмида геосеткалар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг қарийб 68 миллиард сўмлик қисми Испания, Буюк Британия, Италия, Жанубий Корея, Туркия, Беларусь ҳамда Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинмоқда.

Эътиборли томони, “Geobasalt products” жамияти иш бошлаши билан 120 нафардан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланди. Шу боис МЧЖ 2021 йилда Жиззах вилоятида “Энг кўп иш ўрни яратган корхона” номини олди.

Пресс-тур доирасида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Жиззах минтақавий банк тармоғида матбуот анжумани ҳам ташкил қилинди. Унда журналистларга Жиззах минтақавий банк хизматлари офиси (БХО) томонидан шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида кўрсатилган хизматлар ва уларнинг натижадорлиги ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилишича, банк тармоғида жозибали молиявий хизмат ва маҳсулотлар жорий этилгани сайин мижозлар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда. Хусусан, банк маҳсулотлари сони 1,5 баробар кўпайиб, чакана мижозлар сони 3 баробар ўсган. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг банк кредитлари бўйича мурожаатлари 2 баравар ортиб, ҳисобот даврида 40 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилган. Аҳоли ва хўжалик субъектларининг жами 15 миллиард сўмлик бўш пуллари омонатларга жалб қилинган. Иқтисодиёт тармоқларига доир лойиҳаларни молиялаштиришда қишлоқ хўжалиги (кредит қўйилмадаги ҳажми 42,46 фоиз) ва саноат (41,17 фоиз) устуворлик касб этган. Биргина қурилиш материаллари саноатидаги умумий ҳажми 749 миллион доллар бўлган 51 лойиҳанинг татбиқ этилишига банк тармоғи томонидан 2,2 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилиб, 348 миллион долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада 2,2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.




— “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш энг устувор вазифалардан бири бўлгани боис, бу борада янги тизим яратилган, — дейди Жиззах минтақавий БХО бошлиғи Диёр Номозов. — Унга кўра, биз, биринчи навбатда, мавжуд захира конларига эга қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугун мижозларимиз орасида керамзит, минерал тола, пардозбоп тошлар, цемент, ғишт каби қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича нафақат маҳаллий, балки хорижий ҳамкорларидан ҳам буюртмалар олишда катта натижаларга эга бўлганлар кўпчиликни ташкил этади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# TOSHKENT KIMYO-TEXNOLOGIYA INSTITUTI 2023-YIL UCHUN OLIY O‘QUV YURTIDAN KEYINGI TA’LIM INSTITUTIGA QUYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO‘YICHA QABUL E’LON QILADI:

## TAYANCH DOKTORANTURA

(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o‘qish uchun)

| | |
|---|---|
| 01.02.04 | Deformatsiyalanuvchan qattiq jism mexanikasi |
| 02.00.05 | Sellyuloza va sellyuloza-qog‘oz ishlab chiqarish kimyosi va texnologiyasi |
| 02.00.06 | Yuqori molekulyar birikmalar |
| 02.00.08 | Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi |
| 02.00.09 | Tovarlar kimyosi |
| 02.00.11 | Kolloid va membrana kimyosi |
| 02.00.13 | Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi |
| 02.00.14 | Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi |
| 02.00.15 | Silikat va qiyin eriydigan nometall materiallar texnologiyasi |
| 02.00.16 | Kimyo texnologiyasi va oziq-ovqat ishlab chiqarish jarayonlari va apparatlari |
| 02.00.17 | Qishloq xo‘jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyalari |
| 09.00.02 | Ong, madaniyat va amaliyot shakllari falsafasi |
| 09.00.04 | Ijtimoiy falsafa |
| 11.00.05 | Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish |

**Talabgor taqdim qiladigan hujjatlar:**

- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma (ob’ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta’lim muassasasi magistraturasi yoki oliy ma’lumoti to‘g‘risidagi diplomi nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
- O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi;
- ilmiy rahbarning yozma roziligi;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmda 6 ta fotosurat;

## DOKTORANTURA

(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o‘qish uchun)

| | |
|---|---|
| 02.00.13 | Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi |
| 02.00.14 | Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi |
| 02.00.17 | Qishloq xo‘jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyalari |

**Talabgor taqdim qiladigan hujjatlar:**

- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma (ob’ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma’lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo‘lganligi to‘g‘risidagi diplomi nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo‘yicha ilmiy ma’ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmda 6 ta fotosurat;
- Doktoranturada o‘qish uchun kirayotgan talabgorlar ixtisoslik bo‘yicha suhbatdan o‘tadi.

Hujjatlar 2022-yil 15-oktyabrgacha qabul qilinadi.
Kirish imtihonlari 2022-yilning 1 — 25 noyabr kunlari bo‘lib o‘tadi.
Qo‘shimcha ma’lumotlarni 71-244-39-81 telefon raqami orqali olishingiz mumkin.
http://www.phd.mininnovation.uz/ tizimidan ro‘yxatdan o‘tish lozim.

**Manzilimiz: Toshkent sh., Alisher Navoiy ko‘chasi, 32-uy.**
**Toshkent kimyo-texnologiya instituti, Yuqori malakali ilmiy va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash bo‘limi.**

# Toshkent davlat agrar universitetida 2023-yilga doktorantura va tayanch doktorantura qabuli uchun tasdiqlangan kvota

| № | OTM nomi | Doktorantura (DSc) | | Tayanch doktorantura (PhD) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ixtisoslik shifri va nomi | Kvota soni | Ixtisoslik shifri va nomi | Kvota soni |
| 1 | TDAU | 03.00.10 — Ekologiya | | 03.00.10 — Ekologiya | 2 |
| 2 | | 03.00.15 — Ixtiologiya | | 03.00.15 — Ixtiologiya | 6 |
| 3 | | 06.01.01 — Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik | | 06.01.01 — Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik | 6 |
| 4 | | 06.01.02 — Melioratsiya va sug‘orma dehqonchilik | 2 | 06.01.02 — Melioratsiya va sug‘orma dehqonchilik | 2 |
| 5 | | 03.00.13 — Tuproqshunoslik | | 03.00.13 — Tuproqshunoslik | 4 |
| 6 | | 06.01.04 — Agrokimyo | | 06.01.04 — Agrokimyo | 4 |
| 7 | | 06.01.05 — Seleksiya va urug‘chilik | | 06.01.05 — Seleksiya va urug‘chilik | 6 |
| 8 | | 06.01.06 — Sabzavotchilik | | 06.01.06 — Sabzavotchilik | 6 |
| 9 | | 06.01.07 — Mevachilik va uzumchilik | 1 | 06.01.07 — Mevachilik va uzumchilik | 2 |
| 10 | | 06.01.08 — O‘simlikshunoslik | | 06.01.08 — O‘simlikshunoslik | 6 |
| 11 | | 06.01.09 — O‘simliklarni himoya qilish | 1 | 06.01.09 — O‘simliklarni himoya qilish | 5 |
| 12 | | 06.01.11 — Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash. | | 06.01.11 — Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash **(maqsadli)** | 2(1) |
| 13 | | 06.02.01 — Qishloq xo‘jaligi hayvonlarini urchitish, ko‘paytirish, seleksiyasi va genetikasi. Qorako‘lchilik | | 06.02.01 — Qishloq xo‘jaligi hayvonlarini urchitish, ko‘paytirish, seleksiyasi va genetikasi. Ipakchilik. Qorako‘lchilik | 3 |
| 14 | | 06.02.03 — Umumiy zootexniya | | 06.02.03 — Umumiy zootexniya | 3 |
| 15 | | 06.02.04 — Ipakchilik | | 06.02.04 — Ipakchilik | 5 |
| 16 | | 06.03.01 — O‘rmon ekinlari, seleksiya, urug‘chilik va shaharlarni ko‘kalamzorlashtirish. O‘rmonlar agromelioratsiyasi va himoya o‘rmonlarini barpo etish | | 06.03.01 — O‘rmon ekinlari, seleksiya, urug‘chilik va shaharlarni ko‘kalamzorlashtirish. O‘rmonlar agromelioratsiyasi va himoya o‘rmonlarIni barpo etish | 4 |
| 17 | | 06.03.03 — Dorivor o‘simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmakologiyasi | | 06.03.03 — Dorivor o‘simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmakologiyasi **(maqsadli)** | 2(1) |
| 18 | | 08.00.08 — Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit | | 08.00.08 — Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit | 2 |
| 19 | | 08.00.13 — Menejment | | 08.00.13 — Menejment | 5 |
| **Jami:** | | **Doktorantura (DSc)** | **4** | **Tayanch doktorantura (PhD)** | **75 (2)** |

Tanlovga topshiriladigan hujjatlar ro‘yxati va imtihon dasturlari **www.tdau.uz** saytida e’lon qilinadi:

Talabgorlardan hujjatlar 2022-yilning 15-oktabrigacha qabul qilinadi.

Tayanch doktoranturaga kirish imtihonlari va doktoranturaga kirish uchun suhbat 2022-yilning 1-noyabr — 25-noyabr davrida o‘tkaziladi.

**(PhD)** — Tayanch doktoranturada o‘qish uchun talabgorlar **mutaxassislik** va **chet tili** (ta’limning oldingi darajalarida o‘rganilgan xorijiy til) bo‘yicha kirish imtihonlari topshiradi.

**(DSc)** — Doktoranturada o‘qish uchun talabgorlar Kollegial organ tomonidan ixtisoslik bo‘yicha suhbatdan o‘tadi.

Agar talabgorlarda **IELTS** (o‘rtacha balli kamida 5,5), **TOEFL (RVT)** (567 balldan kam bo‘lmagan), **TOEFL (iBT)** (87 balldan kam bo‘lmagan), **CEFR** (V2 darajadan past bo‘lmagan) bo‘yicha tasdiqlovchi amaldagi xalqaro malaka sertifikatlari mavjud bo‘lganda **chet tili**dan topshiriladigan **imtihonlardan ozod etiladi**.

Bundan tashqari, yuqorida nomlari keltirilgan ixtisosliklar bo‘yicha mustaqil izlanuvchilik uchun ham talabgorlarni suhbat asosida tayanch doktorantura (PhD) va doktorantura (DSs)ga qabul qiladi.

MUROJAAT UCHUN:
***Manzil:*** 100140, Toshkent, Universitet ko‘chasi, 2-uy, TDAU, bosh bino. Ilmiy bo‘lim. 311-xona.
***Telefonlar:*** 71-260-48-60; 71-260-39-73. ***E-mail:*** nauka@tdau.uz

# ЖАҲОН БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

*“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 1 октябрь сонида эълон қилинган сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Дунёни тан олдириш осонми?” мақоласи мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларга бамисоли кўзгу бўлибди. Сабаби унда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилгани мисолида бу каби тақиқлар ечилишининг иқтисодий-сиёсий аҳамияти моҳирона очиб берилган.*

## Акс садо

Мақолада эътироф этилганидек, эришилган ушбу ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз иш бошлаган кунлариданоқ одамлар оғирини енгил қилиш, жайдари гап билан айтганда, шу меҳнаткаш ва танти халқнинг “ўмгаги”ни кўтариш йўлида олиб борган сиёсатининг ёрқин самарасидир.

Дарҳақиқат, ҳозир юртимизда пахта йиғим-терими айни авж паллага кирган. Бироқ буни кимдир сезган бўлса, кўпчилик пайқагани ҳам йўқ. Негаки десангиз, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳаёт ўз маромида давом этяпти. Аввалгидек, бюджет ташкилотлари ходимлари, ўқитувчилар ва шифокорлар пахта теримига олиб чиқилаётгани йўқ. Олий ўқув юрти талабалари ҳам пахта далаларида эмас, ўқув аудиторияларида. Ҳамма ўз иши билан андармон. Пахта ҳосили эса қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, фермер ва кластерлар, кўнгилли ҳашарчилар томонидан йиғиштириб олиняпти. Ҳашарчилар ҳам далага шунчаки чиқарилаётгани йўқ. Шартнома асосида, меҳнат ҳуқуқлари кафолатланган, муносиб шарт-шароит яратилган ҳолда жалб этилаётир.

Яқинда Президентимиз Тошкент вилоятида ўтган сессияда пахта йиғим-терими мавсумидаги ушбу ижобий ҳолатга тўхталиб, шундай деди: “Мен шахсан Президент бўлиб, пахта ҳозир неча фоиз бажарилганини билмайман. Чунки манфаат бўлса, фермерлар, кластерлар ўзи бажараверади. Олдин қандай эди, йилнинг 3-4 ойи эгилиб пахта териш билан ўтарди. Ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам, зиёли ҳам далада бўларди”.

Бугун пахта-тўқимачилик соҳасида тамомила бошқача манзарага гувоҳ бўласиз. Чигит экиш, ғўза парваришлаш, ҳосил етиштириш, пахтани териб олиш, уни чуқур қайта ишлаш — буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ва саноат ходимларининг ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бу услубнинг номини кластер дейдилар. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ташкил этилган ушбу тизимда манфаатлар муштараклашуви, қишлоқ хўжалиги саноатлашуви кузатиляпти. Энг асосийси, ушбу тармоқда меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб боряпти. Бу эса ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Пировардида ишчи кучини бюджет ташкилотларига юклашга ҳожат қолмади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, яқин-яқингача пахта деса, одамларнинг лабига учуқ тошадиган бўлиб қолган эди. Ахир халқимиз таъбири билан айтганда, пахтачиликда “Нон ўзингдан, ош ўзингдан, ишла кўзингдан” қабилида иш тутилганда! Аксарият фермер хўжаликларида эрта баҳордан кеч кузгача далада кетмон чопган, ғўза парваришлаган қишлоқ хотин-қизларининг иш ҳақи ғўзапоя билангина ҳисоб-китоб қилинарди...

Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинган, бу каби номақбул ёндашувларга чек қўйилди. Пахтачилик соҳаси иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадор соҳасига айлантирилиб, маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштирокида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилинди. Бу эса АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳисоботида алоҳида эътироф этилди. Унда айтилишича, Ўзбекистон 2011 йилдан бери биринчи марта болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини бартараф қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги бўйича “сезиларли тараққиёт”нинг энг яхши тоифасига кирди. Бу Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни хорижий сармоядорлар учун жозибали манзил сифатида кўрсатиб, иқтисодий ислоҳотларни олға сура бошлаган 2017 йилдан буён Ўзбекистонда пахта саноатидаги жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ.




Ҳозирги кунда пахтачилик билан Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимидаги 134 та кластер шуғулланяпти. Уларнинг ишга янгича ёндашуви, амалиётга илғор инновациялар, интенсив агротехнологияларни қўллаётгани туфайли ишлаб чиқариш занжири босқичма-босқич механизациялаштириляпти. Қўл меҳнати эса йил сайин камайтирилмоқда. Энг асосийси, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўриниши билан муросасиз курашилаётир. Бунга йўл қўйган амалдорларга нисбатан кескин чоралар кўриляпти. 2019 — 2021 йиллар давомида пахта мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйган 178 нафар мансабдор жавобгарликка тортилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида битта мақсад бор, у ҳам бўлса, ҳамма ўз иши билан шуғуллансин. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиш эса бундан кейин ҳам аграр соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Айтиш жоизки, жорий йилда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун республика бўйича жами 21 минг 379 та терим отряди шакллантирилди. Уларга 1 миллион 959 минг 702 нафар теримчи бириктирилди. Теримчиларнинг 605 минг 136 нафари пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ишчилари бўлса, 1 миллион 269 минг 676 нафари маҳаллий аҳоли ва мавсумий ишчилар, 64 минг 972 нафари эса бошқа ҳудудлардан жалб қилинган ҳашарчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, терим отрядларига 11,4 мингта автоулов, 17,7 мингта трактор, 30,7 мингта тиркама бириктирилди. Шунингдек, мавсумда талаб этиладиган инвентарлар захираси яратилди.

Умуман олганда, пахта йиғим-терим мавсуми иштирокчилари учун муносиб меҳнат шароитлари яратиб берилмоқда. Масалан, кластерлар иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, терим пулларини тавсия этилган нархлардан анча юқори миқдорда даланинг ўзида тарқатишяпти. Илғорларга эса эсдалик совғалар улашиляпти. Бу ҳам пахта йиғим-терим мавсумининг уюшқоқлик билан ўтишига хизмат қилаётир.

Энди асосий масалага тўхталсак. Хўш, АҚШ томонининг ўзбек пахтаси ва у асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар импортига тақиқни ечиши бизга нима беради?

Кўп нарса. Аввало, савдо йўлакларимиз кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ошади. Чунки АҚШ Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-сармоявий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Экспорт географияси кенгайиб, ҳажми ортади. Бинобарин, тикув-тўқимачилик маҳсулотлари мамлакат экспортининг таркибий қисмларидан саналади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь — июль ойларида Ўзбекистон қиймати қарийб 2 миллиард АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилган бўлса, бу умумий экспорт ҳажмининг 17,0 фоизини ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 19,2 фоизга етказилди.

Айни пайтда Ўзбекистон дунёнинг 67 та давлатига тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилаётган бўлса, дунёнинг етакчи давлатлари тақиқни олиб ташлаши эвазига юқорида келтирилган рақамлар каррасига ортиши кутилмоқда. Бу пахта-тўқимачилик кластерлари учун ўта муҳим. Яъни бу қўшимча валюта тушуми, юқори даромад, деганидир. Давлатимиз раҳбари кластерлар олдига илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар қўллаш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, толани чуқур қайта ишлаш эвазига соҳанинг экспорт салоҳиятини 2 баравар кўпайтириш вазифасини қўйганидан кўзланган мақсадни энди англагандирсиз?

Шу боис пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2022 йилнинг ўтган 9 ой давомида 148 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 13,7 триллион сўм ҳамда 443,3 минг доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди. Шундан кластер корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан 1,4 триллион сўмлик инвестициялар киритди. Шунинг ҳисобига фақатгина тўқимачилик саноати йўналишида 7 700 та янги иш ўрни очилди.

Шу каби йирик лойиҳалар шарофати билан 1,5 долларлик хомашёга 25 долларгача қўшимча қиймат қўшишнинг уддасидан чиқиляпти. Қувонарлиси, эндиликда тайёр маҳсулотларимизни сотишга қийналмаймиз. Ўзбек пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши жаҳон бозорларини забт қилиш имкониятларимизни янада кенгайтирмоқда. Юқорида тилга олинган мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг минтақа ва жаҳонда текстиль соҳасида гигант бир иқтисодиётга айланиб бораётганини англатади.

**Муртазо РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор.**

## Китоб жавонингизга

### «Танланган асарлар»



*Таниқли шоир ва таржимон Турсун Али ўзбек адабиётини туйғуларга бой, сезимлари нозик, ташбеҳлари кутилмаган асарлари билан бойитган. Улар орасидан энг рангин, энг ҳассослари танланиб уч жилдда нашр этилмоқда. Биринчи жилдига 1974 — 2011 йилларда ёзилган шеърлари, драматик достон ва таржималари киритилди.*

Ушбу асарлар инсон руҳининг теран қатламларини тадқиқ этадиган, табиат ва инсон муносабатларини гўзал ифодалайдиган, шакл ва услуб жиҳатидан бетакрор бўлган жаҳон модерн поэзияси йўлидаги изланишлар намунасидир.

Ушбу китобни ўқир экансиз, шеърсевар қалбингиз бетакрор туйғуларга ошно бўлиши, шубҳасиз.

### «Темурбек Туркистон амири»




*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хайриддин Бегматовнинг ушбу асари буюк соҳибқирон Амир Темурга бағишланган уч китобдан иборат романнинг биринчисидир.*

Асарда Амир Темурнинг буюк саркарда сифатида шаклланиш йиллари, мўғул босқинчиларига қарши олиб борган курашлари ҳамда Туркистон амири сифатида улкан ва қудратли давлатга асос солгани ҳикоя қилинади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп қилинган ушбу китоб кутубхонангиздан муносиб ўрин эгаллайди, деган умиддамиз.

### «Йиллар ва йўллар»



*Таниқли олим Маҳмуд Назаров узоқ йиллар Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб борган адабиётшунослардан биридир.*

Унинг илмий кузатишлари теранлиги, мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради. Олим шоир назмидаги нозик жиҳатларни, фавқулодда бадиий кашфиётларни моҳирона таҳлил қилиб беради.

Унинг содда ва равон битиклари китобхонларга манзур бўлишига ишонамиз.

**«Халқ сўзи».**

## Нуқтаи назар

*Тўлов тизимлари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг кенгайиши давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини юритишда муҳим аҳамиятга эга. Марказий банкда тўлов тизимининг барқарорлигини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.*

*Бугунги кунда тўлов хизматлари бозорида Марказий банкнинг Банклараро тўлов, Ҳисоб-китоблар бўйича клиринг ва Тезкор тўловлар тизимлари фаолият юритиб келяпти. Чакана тўлов бўйича UZCARD ҳамда HUMO тўлов тизимларининг инфратузилмаси тижорат банклари билан ҳамкорликда кенгайтириб борилмоқда.*

# БАНКЛАРДА ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Аҳолининг чакана тўловлари сегментида (савдо нуқталари ҳамда электрон тижоратда) банк карталари нақд пулсиз тўлов инструменти бўлиб ҳисобланади. Ушбу тўлов инструменти жисмоний шахслар орасидаги пул ўтказмалари (“P2P” ўтказмалари)да ҳам фаол қўлланилади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари банк карталари эмитенти ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, муомаладаги банк карталари сонининг охирги беш йилда 19 523 минг донадан 25 776 минг донага, аҳоли жон бошига карталар сони 0,60 дан 0,75 тага ортган. Аммо ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига 5-6 тани ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор ишлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Терминаллар орқали тўловларнинг аҳоли умумий даромадидаги улуши 26,8 фоиздан 21,5 фоизга тушганини охирги беш йилда электрон ҳамёнлар, мобиль иловаларнинг ҳамда QR-код орқали тўловларнинг аҳоли орасида оммалашгани билан изоҳлаш мумкин. Нақд пулнинг “M2”даги улуши охирги беш йилда 26,3 фоиздан 23,2 фоизга тушгани ижобий кўрсаткич бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепциясида тўлов тизимларида рақамли технологиялар орқали кескин ўзгаришлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, пул массасида нақд пул улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 2035 йилда 5 фоизга туширилиши белгиланган. Концепцияга биноан, банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли меҳнат соҳасидаги инновациялар, маълумотларни таҳлил қилиш ва масофадан хизмат кўрсатиш асосида эришилади.

Яна бир таҳлилдан кўриш мумкинки, масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони охирги олти йилда юридик шахслар кесимида 135,6 мингдан 968,6 минг фойдаланувчига етган бўлса, жисмоний шахслар кесимида 1 906,5 мингдан 19 234,8 мингга етган.

Мамлакат тўлов тизими кўрсаткичларининг эконометрик таҳлиллари Ўзбекистонда масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг 1 донага ортиши ЯИМнинг 24,92 млн. сўмга ошишига олиб келишини асослади. Демак, масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ошиши миллий иқтисодиёт кўрсаткичларини кўтариши боис ушбу масала тўлов тизимларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири, дея оламиз.

Тўлов муносабатларининг ривожланишида жаҳон тенденцияларини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, Ўзбекистон учун тўлов тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Улардан муҳимлари хусусида тўхталамиз.

**Очиқ архитектура.** Ташқи ташкилотларнинг технологик имкониятлари ёрдамида рақобатни кучайтириш ва молиявий хизматларни кенгайтириш мақсадида алоҳида мамлакатлар финтех компанияларига банклар билан интеграцияни амалга оширишлари ҳамда банкларнинг мижозларига ўз хизматларини кўрсатишлари учун ҳуқуқий майдон яратиб бермоқда. 2018 йилнинг январида кучга кирган Европа Иттифоқининг Иккинчи директиваси (Payment Services Directive, PSD2) янги шаклдаги тўлов институтларининг устидан назорат, ҳамкорликнинг янги моделини ҳамда чакана молиявий хизматлар очиқ архитектурасига талабларни шакллантирди.

Молиявий хизматларнинг очиқ архитектураси молиявий ташкилотлар томонидан мижоз маълумотларига (масалан, API — application programming interface ни ишлатиш орқали иловалар ўртасида ҳамкорлик учун умумий дастурий инструментларни) тўлов хизматлари етказиб берувчилари ҳисобланган учинчи томонларга маълумот олиш учун (молиявий маълумотлар агрегацияси хизмати) ва тўловларни ўтказиш учун маълумот тақдим этишини англатади. Бунинг учун фақатгина банк ҳисоб рақами эгасининг розилиги талаб қилинади.

**Рақамли идентификация.** Рақамли хизматларнинг кейинчалик ривожланиши ва кенгайиши мижознинг масофадан идентификация қилиниши, томонларнинг маълумот алмашинувига боғлиқ. Масалан, Швецияда “BankID” лойиҳаси — мижозларнинг электрон идентификация тизими йўлга қўйилган бўлиб, компаниялар ва давлат ташкилотларига мижозни масофадан идентификация қилишга, шунингдек, интернет тармоғи орқали масофадан шартнома тузишга имкон беради.

Тизим, аввало, банк мижозларини масофадан идентификация қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик, давлат ташкилотлари ва бошқа компаниялар ҳам бу тизимдан фойдалана бошлаган. Ҳозирги пайтда “BankID” бу электрон идентификацион ҳужжат бўлиб, нафақат паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномасига тенглаштирилган, шунингдек, электрон рақамли имзо ҳам ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мижозларга ҳисоб рақамларни масофадан туриб очиш имконини берувчи банк хизматларидан фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш тизими (Face-ID)ни жорий этиш бўйича муҳим қадам бўлди.

2021 йил 30 сентябрда тасдиқланган Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан тижорат банклари белгиланган миқдордаги молиявий хизматларни мижозларни масофадан идентификация қилган ҳолда амалга оширмоқда. Келгусида ушбу йўлга қўйилган тизимнинг очиқ архитектура билан боғланиши, банк тизимида шакллана бошлаган биометрик идентификациянинг фуқаролар миллий идентификация тизими сифатида йўлга қўйилиши бу соҳадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**Марказий банкнинг рақамли валютаси.** Криптовалюталарнинг пайдо бўлиши ва жуда кенг тарқалиши марказий банкларнинг ўз рақамли валюталарини (МБРВ) чиқариш имконияти ва унинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини ўрганиш масаласини қўймоқда.

Ҳозирги пайтда Хитой ва Швеция ўз рақамли валютасини чиқариш арафасида турибди. Хитой Халқ банкининг рақамли валютаси 2019 йил декабрда Хитой Халқ Республикаси Кенгаши томонидан тасдиқланган. МБРВнинг биринчи чиқарилиши 2020 йилнинг май ойидан бошланган. Рақамли валютанинг чиқарилиши сабаби Марказий банк валютасининг тўлов функциясини оптималлаштириш, унинг мавқеини яхшилаш, пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”да келгусида мамлакатда Марказий банк рақамли валюталарини муомалага чиқариш лойиҳаси устида ўрганиш ишлари олиб борилиши белгиланган.

**Молиявий хизматларнинг “ISO 20022” стандартига ўтилиши.** “ISO 20022” “Молиявий хизматлар. Молия индустриясининг маълумотлар универсал схемаси” стандарти молия бозорининг турли автоматлашган иштирокчилари ҳамкорлиги учун ишлаб чиқилган.

“ISO 20022” стандарти молия индустриясининг алоҳида сектори эмас, балки иштирокчиларга қулайлиги учун яратилган, шунингдек, асосий жараёнларни тушунишга имкон берувчи маълумотларни қамраб олади. Бу эса маълумотларни “ISO 20022” стандартига мос форматга ўтказишни ва янги молиявий хабарларни тузишни осонлаштиради.

Шунингдек, “ISO 20022” стандартининг ишлатилиши фойдаланувчиларнинг географик жойлашувидан ва фойдаланаётган тўлов платформасидан қатъи назар, ахборотларни тўғри интерпретация қилишларига ёрдам беради. “ISO 20022” стандартининг жорий қилиниши тўловларни қайта ишлаш ва хавфсизлиги самарадорлигини оширади, тўловлар занжирида ички ва глобал мосликни таъминловчи инновацияларни йўлга қўйишга имкон беради. Халқаро “SWIFT” компанияси “ISO 20022” стандартини рўйхатга олиш ва юритиш бўйича масъул ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ушбу стандарт дунё бўйлаб етакчи молия ташкилотлари томонидан босқичма-босқич жорий қилинмоқда. 2022 йилда Европа банклари, АҚШ банклари “ISO 20022” стандартини жорий қилиши режалаштирилмоқда. “CLS” ва “Euroclear” каби халқаро тизимлар “ISO 20022” стандартига асосланган ахборотлар алмашинувини йўлга қўйган, фойдаланувчиларни ушбу стандарт бўйича ахборот алмашинувини рағбатлантиради.

Кўплаб давлатлар электрон ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тўлов тизимларининг такомиллаштирилиши бўйича стратегик ҳужжатларида “ISO 20022” халқаро стандарти жорий қилинишини назарда тутган.

**QR-кодлари.** Сўнгги йилларда дунёда QR-кодлари ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар улуши кенгайиб бормоқда. АҚШда “Walmart Pay”, “Starbucks Pay”, “Apple” маҳсулоти — “Easy Pay” каби тўлов маҳсулотлари кенг ишлатилмоқда. “Visa” ва “Mastercard” халқаро тўлов тизимлари бу каби тўловларни кенгайтирмоқда. QR-кодлари ёрдамида тўловлар хавфсизлиги, тўловнинг қулай ва тезлиги, махсус қурилманинг талаб қилинмаслиги бундай тўловларни оптимал тўлов усулига айлантирмоқда. QR-код орқали тўловлар тўлов жараёнининг соддалашуви ва арзонлашувини таъминлайди.

QR-код орқали тўловлар савдо нуқталарида, интернет орқали, шунингдек, турли хизматлар учун тўловлар (етказиб бериш хизмати, такси) учун ишлатилади. POS-терминалларни ишлатиш бозор расталари савдоларида иқтисодий самарадорлик жиҳатидан ўзини оқламаслиги мумкин, аммо QR-код орқали тўловлар бундай тўловларни муваффақият билан амалга оширади. Хитой QR-код орқали тўловлар бўйича етакчи ҳисобланади. “Tencent” ва “Alibaba” каби йирик тўлов ташкилотлари QR-кодни жорий қилиш борасида драйвер саналади.

Шунингдек, турли тўлов тизимлари ўз QR-кодларига эга бўлиб, бу тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун самарали эмас. QR-кодни қабул қилувчи барча тўлов тизимлари учун ягона форматдаги QR-код стандартини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тўловлар соҳасида QR-кодлар стандарти учун энг кўп қўлланиладиган стандарт “EMVCo” стандартидир. Гонконг, Сингапур, Индонезия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Миср QR тўловлар учун миллий стандартларини ишлаб чиқиб, ягоналаштирилган QR-кодларни амалда қўлламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 95 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар QR-онлайн ахборот тизимининг QR-кодлари (стикерлари) билан таъминланган. Аммо бу кўрсаткич жуда кичик ҳисобланиб, QR-кодлар билан амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини кенгайтириш долзарб вазифалардандир. Бундан ташқари, мамлакатда QR-кодларнинг ягоналаштирилган форматини йўлга қўйиш масалалари устида ишлар олиб борилмоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда тўлов тизимлари зарур даражада такомиллаштирилмоқда. Шундай бўлса ҳам, бажарилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд. Жумладан, чакана тўлов тизимлари соҳасида аҳолининг нақд пулсиз тўловлардан кенг фойдаланишини рағбатлантириш, бунинг учун карталардан фойдаланишни янада кенгайтириш, QR-код орқали тўловларни оммалаштириш, универсал QR-код ечимларини жорий қилиш лозим бўлади. Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонини ошириш, рақамли идентификация ва очиқ-банк архитектураси ечимларини такомиллаштириш муҳимдир, шунингдек, молиявий хизматларнинг “ISO 20022” стандартига ўтилиши ҳамда молия бозори инфратузилмаси учун белгиланган халқаро принципларга иш фаолиятининг мослиги бўйича ўзини ўзи баҳолаши учун қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

**Улуғбек МАҲМУДОВ,**
**Марказий банк Тўлов тизими департаменти директори,**
**Нилуфар ШАРИПОВА,**
**Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 14 222 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6